

«Андижоннефть» акциядорлик жамияти
Бошқарув Хайъатига

«Андижоннефть» акциядорлик жамиятининг 2018 йил учун тузилган молиявий ҳисоботини
аудиторлик текширувидан ўтказиш натижаларига кўра
Изохлар билан фикр билдирилган
АУДИТОР ХУЛОСАСИ

2001 йилнинг 20 декабрида 39-сон билан давлат рўйхатидан ўтган, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2019 йилнинг 02 апрелида янгиланган 00761 -сонли лицензияси эгаси-масъулияти чекланган жамият шаклидаги «PROFI AUDIT» аудиторлик ташкилоти аудитори Муйдинов Э.Д (сертификат № 05573) томонидан Андижон вилояти «Андижоннефть» АЖ нинг 2018 йилнинг 31 декабрь санасига тузилган Бухгалтерия баланси, Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи, Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботи ва Хусусий капиталнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботидан иборат бўлган молиявий ҳисоботини корхона билан 2018 йилнинг 10 август санасида тузилган 27 сонли шартномага асосан 2019 йилнинг 01 апрелидан 22 апрелига қадар бўлган давр мобайнида мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилди.

Аудиторлик ташкилотининг манзили: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83 уй.
СТИР 203 795 465, ОКЭД 69202.

Аудиторлик ташкилотининг Тошкент шаҳар, ЎзР ТИФ Миллий банкининг Тошкент шаҳар бош бошқармасидаги ҳисоб рақами- 2020 8000 1041 5607 8001, банк коди 00451.

Аудиторлик ташкилотининг раҳбари: М.М.Маразиков

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз, «Андижоннефть» акциядорлик жамиятининг_илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини ре-жалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллар молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асос бўлади.

Бизнинг фикримизча, махсус кимда кайд этилган изоҳлар билан фикр билдириш учун асос бўладиган вазиятлар натижасида, бизда аудиторлик ташкилоти фикрини ифодалаш учун асосларни таъминловчи етарлича аудиторлик далиллари мавжуд.

Изоҳлар билан фикр билдириш учун асос

Акциядорлик жамияти 2018 йил якунлари бўйича аниқланган фойдадан солиқ ҳисоблашда ҳисоб-китобнинг 020 сатри бўйича қиймати 3,5 миллиард сўм бўлган маҳсулотни таннархидан паст баҳода сотиш суммаси ва 030 сатри бўйича қиймати 6,7 миллиард сўм бўлган текинга олган мулк қиймати солиққа қайта тортилувчи базага киритилмай қолган. Бунинг натижасида, қўлланилган имтиёزلарни ҳисобга олган ҳолда аудитор томонидан 671,7 миллион сўм фойда солиғи қўшимча ҳисобланди. Ўз навбатида бу ҳолат акциядорлик жамиятининг якуний молиявий натижасини шу суммага ўзгаришига сабаб бўлди.

Молиявий ҳисоботнинг бошқа моддалари бўйича аниқланган фарқлар ўрнатилган муҳимлик даражасидан ошмайди.

Изоҳлар билан фикр билдириш

Бизнинг фикримизча, изоҳлар билан фикр билдириш учун асос бўладиган баён этилган вазиятларнинг молиявий ҳисоботга таъсиридан ташқари, «Андижоннефть» акциядорлик жамиятининг 2018 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини ҳаққоний акс эттиради.

МЧЖШ «PROFI AUDIT»
аудиторлик ташкилоти
директори

Аудитор:

Хулоса тузилган сана:
2019 йил « 22 » апрель
№ 10



Маразиков М.М

Муйдинов Э.Д